



ESTABLISHMENT OF STATE MONOPOLY ON INDUSTRIAL ENTERPRISES IN TURKESTAN IN THE FIRST YEARS OF SOVIET POWER (USING THE EXAMPLE OF THE FERGANA REGION)

Olimjanova Zuhra Rustamjon kizi

Basic doctoral student of Andijan State University

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13980448>

ARTICLE INFO

Received: 18th October 2024

Accepted: 22th October 2024

Online: 23th October 2024

KEYWORDS

October Revolution,
Turkestan ASSR, industrial
production, "war
communism", famine,
nationalization, state
monopoly, joint-stock
company, agriculture, cotton
growing.

ABSTRACT

The article examines the issue of nationalization of industrial enterprises of the Turkestan Republic and establishment of state monopoly over all means of production in the first years of Soviet power using the example of the Fergana region. Information on the general state of industrial production in the republic is provided.

УСТАНОВЛЕНИЕ ГОСУДАРСТВЕННОЙ МОНОПОЛИИ НА ПРОМЫШЛЕННЫЕ ПРЕДПРИЯТИЯ В ТУРКЕСТАНЕ В ПЕРВЫЕ ГОДЫ СОВЕТСКОЙ ВЛАСТИ (НА ПРИМЕРЕ ФЕРГАНСКОЙ ОБЛАСТИ)

Олимжанова Зухра Рустамжон кизи

Базовый докторант Андижанского государственного университета

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13980448>

ARTICLE INFO

Received: 18th October 2024

Accepted: 22th October 2024

Online: 23th October 2024

KEYWORDS

Октябрьский переворот,
Туркестанская АССР,
промышленное
производство, «военный
коммунизм», голод,
национализация,
государственная
монополия, акционерное
общество, сельское
хозяйство, хлопководство.

ABSTRACT

В статье на примере Ферганской области исследован вопрос национализации промышленных предприятий Туркестанской Республики и установления государственной монополии над всех средств производств в первые годы советской власти. Приведены сведения об общем состоянии промышленного производства в республике.



**СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ИЛК ЙИЛЛАРИДА ТУРКИСТОНДА САНОАТ
КОРХОНАЛАРИГА ДАВЛАТ МОНОПОЛИЯСИНИНГ ЎРНАТИЛИШИ
(ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

Олимжанова Зухра Рустамжон қизи

Андижон давлат университети таянч докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13980448>

ARTICLE INFO

Received: 18th October 2024

Accepted: 22th October 2024

Online: 23th October 2024

KEYWORDS

Октябрь давлат
тўнтариши, Туркистон
АССР, саноат ишлаб
чиқариши, “ҳарбий
коммунизм”, очарчилик,
национализация, давлат
монополияси,
хиссодорилтк жамияти,
қишлоқ хўжалиги,
пахтачилик.

ABSTRACT

Мақолада совет ҳокимиятининг дастлабки
йилларида Туркистон Республикасида саноат
корхоналарининг национализация қилиниши, барча
ишлаб чиқариш воситалари устидан давлат
монополияси ўрнатилиши масаласи Фарғона области
мисолида ўрганилган. Республикадаги саноат ишлаб
чиқаришининг умумий аҳволи ҳақида маълумотлар
келтирилган.

1917 йилда Октябрь давлат тўнтариши натижасида Туркистонда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши бу ердаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларга ҳам жиддий таъсир кўрсатди. Айниқса, большевикларнинг 1917-1918 йиллардаги мустабид сиёсати натижасида ўлкада иқтисодий ҳаётда ниҳоятда оғир вазият вужудга келди.

XX аср 20-йилларининг бошида Туркистон халқ хўжалигининг асосий тармоғи қишлоқ хўжалиги эди. Биринчи жаҳон уруши, 1917 йил Октябрь давлат тўнтариши билан боғлиқ вайронгарчиликлар Туркистон иқтисодиётига жуда катта зарар етказган эди. 1918-1920 йиллардаги фуқаролар уруши натижасида бутун Совет мамлакатада, шу жумладан Туркистонда жуда оғир вазият юзага келганди. Айниқса, ўлка иқтисодиётининг асоси бўлган қишлоқ хўжалиги тамоман издан чиқиб, аграр ишлаб чиқариш оғир аҳволга тушиб қолган, 1921 йилда Туркистон қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарган маҳсулот урушдан аввалги даражанинг фақат учдан бир қисмини ташкил этди. Экин экиладиган майдонлар кескин қисқариб, 1921 йилда 1,7 миллион десятинага тушиб қолди, ваҳоланки, 1915 йилда Туркистонда 3 миллион десятина ерга экин экилган эди [1. Б. 42-43].

XX аср бошларида Туркистон қишлоқ хўжалигида пахтачилик асосий тармоққа айланган бўлиб, ўлкада донли экинлар етиштириш кескин қисқариб кетган, ўлка аҳолисининг ғаллага бўлган эҳтиёжи Россиядан келтириладиган ғалла ҳисобига қопланар эди. Биринчи жаҳон уруши даврида ва ундан кейинги фуқаролар уруши даврида Россиядан ғалла келтириш йил сайин қисқариб борди ва охир-оқибат тамоман тўхтаб қолди. Айни пайтда Туркистонда пахтачилик ҳам урушлар, вайронгарчиликлар



сабабли инқирозга учраган эди. Натижада Туркистонда ғалланинг нархи кескин ошиб кетди, ўлканинг турли жойларида қаҳатчилик, очарчилик юзага келди.

Большевиклар ҳокимияти томонидан қишлоқлардаги бадавлат табақалар иқтисодий қудратини ўйламай-нетмай чеклаш, синфий қарама-қаршиликка қаратилган, ижтимоий-иқтисодий қайта қуришнинг сохта схемаларини зўравонлик билан жорий этиш ишлаб чиқарувчи кучларни қақшатқич равишда барбод қилишга сабаб бўлди. Туркистон иқтисодиёти фалаж бир ҳолатда эди. Завод ва фабрикалар ишламасдан турарди. Деҳқон хўжаликлари ҳалокатли тарздаги тезликда заифлашиб қолди. Қишлоқ хўжалик экинлари етиштириш ниҳоятда пасайиб кетди. Масалан, етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажми ва чорва моллар сони Туркистон республикасида 1920 йилда 1913 йилдагига нисбатан тегишли равишда 76,2 ва 56,3 фоизга тушиб қолди [2. Б. 60].

Туркистонда пахта етиштириш 1916 йилдан эътиборан камая бошлаган, бунга Россия ҳукумати томонидан пахта харид нархларининг пасайтириб қўйилиши сабаб бўлган эди. Бошқа бир томондан, Туркистонда совет ҳокимиятига қарши олиб борилган курашлар давомида суғориладиган деҳқончилик учун муҳим аҳамиятга эга бўлган суғориш иншоотлари издан чиққан эди. Айниқса, суғорма деҳқончилик ниҳоятда ривожланган, асосий пахтачилик ҳудуди ҳисобланган Фарғона водийсида кўпгина ариқ ва каналлар, тўғонлар ва бошқа сунъий суғориш иншоотлари вайрон бўлган эди. Натижада Туркистонда суғориладиган ерлар жуда камайиб, пахта экиладиган майдонлар 460,5 минг десятинадан 87,7 минг десятинага, пахта хом ашёси етиштириш 11 миллион пуддан 500 минг пудга қисқариб кетди. Фарғона областида пахта етиштириш айниқса катта зарар кўриб, бу ердаги пахта майдонлари 288,0 минг десятинадан 39,7 минг десятинага тушиб қолди [3. Б. 81].

Ғалла ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларининг етишмаслиги деҳқон хўжаликларини озуқа экинлари экишга мажбур қилиб қўйган эди. Натижада, товарлик хусусияти юқори бўлган пахта етиштириш камайиб, деҳқон хўжаликлари асосан ўз шахсий истеъмоли учун маҳсулот етиштира бошлаган ва улар натурал хўжаликларга айланиб қолганди.

1917 йил 2 декабрда РСФСР Халқ Комиссарлари Совети ҳузурида Олий Халқ хўжалиги Совети (ВСНХ) ташкил этилди, у жойлардаги, шу жумладан, Туркистондаги хўжалик фаолиятини назорат қилиши лозим эди. Халқ хўжалик кенгашлари марказнинг сўзсиз амал қилинадиган кўрсатмаларига мувофиқ саноат корхоналарини ҳарбий йўналишга ўтказиш билан шуғулландилар. Туркистоннинг бутун халқ хўжалигига раҳбарлик қилиш Марказий халқ хўжалик кенгашида унинг ўзига юкланган ваколатлар доирасида амалга оширилди. Кенгаш озиқ-овқат, меҳнат, ер ишлари, темир йўл, почта ва телеграф, молия комиссарликлари, шунингдек, депутатлар кенгашлари ва жойлардаги халқ хўжалик кенгашлари фаолиятини бирлаштирар ва мувофиқлаштириб турарди [4. Б. 156].

1918 йил февраль ойининг охирида Ишчи ва солдат депутатларининг Тошкент Совети ҳузурида Туркистондаги биринчи Халқ хўжалиги Совети тузилди. 1918 йилнинг ўртаалрига келиб, Сирдарё, Самарқанд, Фарғона ва Андижонда ҳам област, уезд халқ хўжалиги Советлари фаолият кўрсата бошлади [5. Б. 136].



Совет давлатининг иқтисодий сиёсати бу тузумнинг биринчи йиллариданоқ халқ хўжалигининг барча соҳаларига давлат монополиясини ўрнатишга йўналтирилди. Айнан ушбу мақсад Туркистон ўлкасидаги энг муҳим иқтисодий манбаларни – ер, саноат-ишлаб чиқариш корхоналари, транспорт ва банкларни мажбуран национализация қилиш сиёсатида ҳам яққол кўзга ташланди. Национализациянинг биринчи босқичида 1918 йил 28 февралда Туркистон Халқ Комиссарлари Советининг махсус декретига биноан ўлкадаги барча пахта хом ашёси заҳиралари давлат мулки деб эълон қилинди [6. Б. 13]. Шу йилнинг 7 мартида эса барча пахта тозалаш заводлари давлат тасарруфига олинди. Юқоридаги декретни амалга ошириш давомида Туркистон бўйича маҳаллий ва хорижий сармоядорларга тегишли бўлган 19 миллион пуддан ортиқ пахта хом ашёси тортиб олинди [7. Б. 68].

Туркистон республикасининг саноати деярли бутунлай вайрон бўлган эди. 1917 йилда ишлаб турган корхоналар 1913 йилдагига нисбатан 75 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш эса 80 фоизга камайиб кетган эди. Том маънода саноат хом ашёдан маҳрум бўлиб қолганди. Чунки, саноатга зарур хом ашёнинг 75 фоизини қишлоқ хўжалиги берар эди.

“Ҳарбий коммунизм” шароитида Туркистонда саноатни национализация қилиш ишлари юқори суръатларда олиб борилди. Тошкентдаги кўн ва металл ишлаш заводи ва устахоналари, макарон фабрикаси, Асака, Каттақўрғон, Қўқон, Андижон, Скобелев, Самарқанд, Тошкентдаги катта тегирмонлар, Тошкент, Қўқон, Скобелев, Янги Бухородаги электр станциялар, Тошкент, Қўқон, Самарқанд ва Горчаково темир йўл станцияларидаги ёғочсозлик корхоналари ва ёғоч складлари, Самарқанд ва Жиззахдаги ғишт заводлари, Қўқон ва Скобелевдаги ипак қурти уруғи заводлари, Туркистондаги барча виночилик, жунни қайта ишлайдиган, суғориш корхоналари ва транспорт жамиятлари 1918 йилнинг иккинчи ярми – 1919 йилнинг биринчи ярмидаёқ национализация қилинди. Умуман, 1918-1921 йилларда Туркистонда ҳаммаси бўлиб 400 га яқин катта, ўрта ва майда корхоналар национализация қилинди [8. Б. 391-392].

1918 йил баҳорида Туркистон Республикаси ҳукумати Туркистон ўлкаси иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутувчи саноат корхоналарини тўла национализация қилди. Бу даврда биринчи навбатда пахта тозалаш саноати ва у билан боғлиқ ёғ ишлаб чиқариш, совун ишлаб чиқариш каби корхоналар давлат тасарруфига олинди. 1918-1919 йилнинг биринчи ярмида национализация қилинган 326 та саноат корхоналарининг 288 таси пахта тозалаш заводлари бўлиб, унинг 252 таси рус ва хорижий сармоядорларга, 36 таси маҳаллий сармоядорларга тегишли эди. Бу заводларнинг умумий ишлаб чиқариш қуввати 1,5 миллиард олтин сўмига тенг эди [7. Б. 72-74].

1918 йилнинг 3 мартида Қизилқия тошқўмир кони устидан ишчилар назорати ўрнатилди, бу большевик раҳбарияти томонидан Туркистондаги тоғ-кон саноати бўйича ҳам давлат назоратини ўрнатиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгилашига сабаб бўлди. 1918 йилнинг 16 мартида Туркистон АССР Халқ Комиссарлари Совети нефть ва тошқўмир саноати корхоналарини национализация қилиш тўғрисида декрет қабул қилди. Бу декретга мувофиқ 11 та тоғ-кон саноати корхоналари, шу жумладан 6



та тошқўмир кони, 2 та нефтни қайта ишлаш корхонаси, 3 та нефть қазиб олиш қудуқлари барча ускуналари ва хом ашё заҳиралари билан бирга хусусий эгаларидан ва хиссдорлик компанияларидан тортиб олинди [9. Б. 4]. Улар ичида нисбатан энг йириклари Фарғона областидаги “Қизил-қия”, “Сулюкта” тошқўмир конлари, “Чимён” ва “Санто” нефтни қайта ишлаш корхоналари эди.

Маълумки, Фарғона водийсида нефть қазиб олиш чор Россияси мустамлакачилиги даврида йўлга қўйилган, XIX асрнинг 80-йилларидаёқ Фарғона областида рус сармоячиси Д. Петровнинг бир неча нефть конлари очилган эди. Бу конларда 1884 йилда 6 минг пуд нефт ишлаб чиқарилган. 1913-1916 йилларда Фарғонада ишлаб турган 6 та нефть конларидан икkitаси рус сармоядорларига (“Чимён” жамияти – “Ака-ука Нобеллар” жамиятига ва “Санто” жамияти – Рус-Осиё банкига) ва битта жамият – “Майли-Сой” – инглиз сармоясига тегишли эди. Дастлабки иккита нефть конида 1916 йилда Фарғона областида қазиб олинаётган нефтнинг 97 фоизи қазиб олинган эди [10. Б. 93]. Нефть саноатининг национализация қилиниши хориж капитали назорати остида бўлган “Фергана ойл”, “Нобель” каби хиссдорлик жамиятларининг иқтисодий таъсирини заифлаштириб қўйди.

1918 йил 26 мартда Туркистон Республикаси ҳукуматининг яна бир декретига биноан балиқ саноати ва “Хива” кемачилик хиссдорлик жамияти национализация қилинди [11. Б. 77]. Шу декрет асосида Оролбўйи балиқчилиги ва балиқ саноатини назорат қилиш бўйича Туркистон АССР ХКСнинг алоҳида комиссари тайинланди. 1918 йил 29 мартдаги декретга асосан ўлкадаги типография ва литографиялар, шу йилнинг августида эса тери-қўн корхоналари давлат тасарруфига олинди [12. Б. 51].

Шу тариқа 1918 йил ўрталарида Туркистон Республикасидаги аксарият саноат корхоналари устидан давлат монополияси ўрнатилди. Айнан шу йил охирларида республикадаги темир йўллар ва транспорт воситалари ҳам миллийлаштирилди, бу йўлларнинг катта қисми хусусий капитал эвазига барпо этилган ва бу давргача улар томонидан бошқарилар эди.

Умуман, Туркистонда совет ҳокимиятининг биринчи йилида 330 та йирик саноат корхоналари, 1919 йилда эса 770 та хусусий корхоналар национализация қилинди.

Бу даврда Туркистон халқ хўжалиги ҳалокат ёқасига келиб қолган, давлат монополияси ўрнатилган саноат корхоналаридаги ишлаб чиқариш ночор аҳволда эди. Статистик маълумотларга кўра, 1920 йилда ўлка саноати ялпи маҳсулотининг умумий ҳажми 1914 йилдагига қараганда 80 фоизга камайиб кетган эди [13. Б. 35]. Пахта тозалаш саноати айниқса катта зарар кўрди. 1921 йилда Туркистон АССРда мавжуд 249 та пахта тозалаш заводидан фақат 16 таси фаолият кўрсатарди, бу заводлардаги ишчилар сони минг кишидан ҳам ортмас эди [5. Б. 341].

Зарур ускуналар ва материаллар, шунингдек, молиявий маблағларнинг етишмаслиги сабабли Фарғона водийсидаги Қизилқия, Сулукта, Шўроб ва бошқа кўмир конларидан тошқўмир қазиб олиш камайиб, 1921 йилда 1916 йилдаги 12 миллион пуддан 7 миллион пудга тушиб қолди. Айни пайтда, “Санто”, “Чалакон”, “Чимён” конларида нефть қазиб олиш ҳажми ҳам жуда камайиб кетган эди [14. Б. 84].

Совет ҳукумати йирик корхоналарни национализация қилиш билан чекланиб қолмасдан, 1918 йил ўртаалридан эътиборан ўрта ва кичик корхоналарни ҳам



миллийлаштиришга киришди, бу корхоналарнинг эгалари энди фақат давлат буюртмаларини бажара бошладилар. Давлат буюртмаларини бажаришда терини қайта ишлаш корхоналари алоҳида аҳамиятга эга бўлди ва улар асосан армия эҳтиёжлари учун хизмат қила бошлади. 1919 йилдан бошлаб Туркистон Республикасидаги жун титиш, тери-кўн, тўқимачилик, виночилик ва тамаки саноати корхоналари ҳам национализация қилинди ҳамда улар ҳам фақат армия эҳтиёжлари учун ишлай бошлади [15. Б. 7].

Совет давлатининг қишлоқ хўжалиги, саноат ишлаб чиқариши, молия-банк тизими ва савдо соҳасидаги национализация сиёсати моҳиятан хусусий мулкни йўқ қилишга, ишлаб чиқаришнинг барча кўринишлари устидан давлат монополиясини ўрнатишга қаратилган эди. Бу сиёсат пировардида республикада иқтисодий аҳволнинг кескин ёмонлашишига олиб келди. Бу хато сиёсат натижасида Туркистондаги саноат корхоналарининг ярмидан кўпи ўз фаолиятини тўхтатди. 1920 йилда республикада саноат ишлаб чиқариш ҳажми 1914 йилга нисбатан 80 фоизга қисқарди.

Озиқ-овқат развёрсткасининг жорий этилиши, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига давлат монополиясининг ўрнатилиши, хусусий савдонинг чекланиши ҳаёт кечириш учун энг зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларининг танқислигига, қишлоқ хўжалиги ва саноат ишлаб чиқаришида чуқур инқирозга олиб келди. Бу вазият тобора чуқурлашиб борди ва охир-оқибатда 1920 йилда Туркистонда умумий очарчиликка олиб келди.

References:

1. Рабочий контроль и национализация промышленности в Туркестане (1917-1920 гг.). Сборник документов. Под ред. Э.А. Воскобойникова. – Ташкент: Госиздат УзССР, 1955.
2. Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: тарих шохидлиги ва сабоқлари (1865-1990 йиллар). Лойиҳа раҳбари ва масъул муҳаррир Д.А. Алимова. – Тошкент: Шарқ, 2000.
3. Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи (1917-1924 йиллар). – Тошкент: Университет, 2002.
4. Ўзбекистон Миллий архиви (Ўз МА), Р-27-фонд, 1-рўйхат, 16-иш.
5. Ўзбекистон ССР тарихи. Тўрт томлик. Учинчи том. Бош муҳаррир И.М. Мўминов. – Тошкент: Фан, 1971.
6. Ўз МА, Р-31-фонд, 1-рўйхат, 27-иш.
7. Ульмасов А.У. Национализация промышленности в Советском Туркестане. – Ташкент: Изд. АН УзССР, 1960.
8. Abdullayev M.G'. O'zbekistonda yer-suv munosabatlari tarixi (Qadimgi davrdan hozirgi kungacha). – Toshkent: Nurafshon business, 2024.
9. Ўз МА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 34-иш.
10. Вексельман М.И. Российский монополистический и иностранный капитал в Средней Азии (конец XIX – начало XX в.). – Ташкент: Фан, 1987.
11. Ўз МА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 49-иш.
12. Ўз МА, Р-27-фонд, 1-рўйхат, 758-иш.



13. Ўз МА, Р-27-фонд, 1-рўйхат, 496-иш.
14. Непомнин В.Я. Очерки истории социалистического строительства в Узбекистане (1917-1937 гг.) – Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1957.
15. Ўз МА, Р-17-фонд, 1-рўйхат, 190-иш, 7-варақ.